

**1-sho'ba: TURKIY XALQLAR TILSHUNOSLIGI:  
TARIXI, NAZARIYA, SHEVASHUNOSLIK,  
QIYOSIY TILSHUNOSLIK**

**ИҚТИДОРЛИ ОЛИМ, КАМТАРИН ИНСОН**

**Курбониязов Гулмурза,  
филология фанлари доктори,  
Нукус давлат педагогика институти**

***Аннотация:** Доцент Э.Хўжаниёзовнинг илмий фаолияти давомида олиб борган тадқиқотлари, тилшуносликка қўшган ҳиссалари, илмий ишларига шарҳ берилган.*

***Калим сўзлар:** атрибутив сўз бирикмалари, ҳоким компонент, тобе компонент, статистик маълумот, илмий услуб, бадиий услуб, микрообраз, семантик гуруҳ.*

Тилшунос олим – филология фанлари номзоди, доцент Эшбой Хўжаниёзов 1943 йил 16 январда Қорақалпоғистон Республикаси Амударё туманида деҳқон оиласида туғилди. 1950 йилда Қипчоқ район Қипчоқ қишлоқ кенгашидаги 29-Тельман номли тўлиқсиз ўрта мактабнинг (ҳозирги 39-сон мактаб) 1-синфига ўқишга бориб, 1958 йилда шу мактабнинг 7-синфини тамомлайди. 1958 – 1960 йилларда туман марказидаги, яъни Қипчоқ поселкасидаги ўн йиллик ўрта мактабда таълим олган. 1960 йилда Самарқанд давлат университети тарих-филология факультетига ўқишга қабул қилинган. Университетда аълочи талабалар сафида, устози Нуриддин Шукуров раҳбарлик қилган “Шалола” адабий тўғарагининг фаол аъзоси бўлган. Мазкур даргоҳни 1965 йилда аълобаҳолар билан муваффақиятли тамомлаган. Бу даргоҳда республикадаги машҳур олимлардан дарс олди, филологиянинг сир-асрорларини ўрганди. Бўлажак олимнинг шаклланишида мазкур олий ўқув юртида эгалланган билимнинг тутган ўрни алоҳида бўлди. Университетни муваффақиятли тугатган Эшбой ака ўзи туғилиб ўсган қишлоғидаги 36-ўрта мактабга она тили ва адабиёти ўқитувчиси бўлиб ишга келди. Мактабнинг энг иқтидорли ўқитувчиларидан бири сифатида ёшларга таълим беришни бошлади. 1966-1967 йилларда ҳарбий хизматда бўлди. Хизматдан кейин яна кадрдон

қишлоғига қайтиб келиб, мактабдаги ўқитувчилик фаолиятини давом эттирди. 1974 йилгача ўқувчиларга она тили ва адабиётидан дарс берди.

1974 йили Қорақалпоқ давлат педагогика институтига ўзбек тили ўқитувчиси керак бўлди. Шу боис энг яхши ўқитувчилардан бири бўлган Эшбой Хўжаниёзовни таклиф қилдилар. Шундай қилиб, унинг олий таълим тизимидаги фаолияти бошланди. Кейинчалик университетда тарих-филология факультети таркибидаги ўзбек тили ва адабиёти бўлими, Ўзбек филологияси кафедрасида ўқитувчилик фаолиятини давом эттирди.

1979 – 1980 йилларда аспирантурада таҳсил олди.

1986 йилгача ўқитувчи, 1986 – 1994 йилларда катта ўқитувчи бўлиб ишлади. 1990 йил Нукус давлат педагогика институтининг янги ташкил этилиши муносабати билан шу даргоҳда катта ўқитувчи бўлиб педагогик ва илмий фаолиятини давом эттирди.

Олий ўқув юрти ўқитувчилари илмий фаолият билан шуғулланиши лозимлигини билган Эшбой ака тошкентлик олим Султон Ғойибов раҳбарлигида “Илмий ва бадиий услублардаги атрибутив сўз бирикмаларининг семантик-стилистик хусусиятлари” мавзусидаги илмий мавзусини танлади ва уни тасдиқлатди.

Ўтган асрнинг 70-80-йилларида ўзбек тилшунослигида илмий ва бадиий услубларнинг муштарак ва фарқли жиҳатларини тадқиқ қилиш, умуман услубшуносликнинг назарий жиҳатларини аниқлаш долзарб муаммолардан бири эди. Э.Хўжаниёзовнинг 1979 йилда эълон қилинган “Коммуникативная функция определений в речевом потоке”[1:129-141], 1982 йилдаги “Атрибутив бирикмаларнинг илмий ва бадиий услубдаги семантик хусусиятларидан”[2:55-61], “Илмий ва бадиий услубдаги атрибутив бирикмалар статистикаси”[2: 61-69], 1985 йилдаги “Бадиий услубда атрибутив сўз бирикмалари”[3: 40-53] номли мақолалари ва юқорида номи эслатилган номзодлик диссертацияси [4: 25] мазкур муаммоларни ҳал қилишда маълум даражада аҳамиятга эга бўлди.

Олим номзодлик диссертациясини 1984 йили 22 февралда ЎзРФАнинг тил ва адабиёт институтида, 1984 йил ноябрда Собиқ Иттифоқнинг Олий таълим

министрлиги таркибидаги Олий аттестация комиссияси ҳузурида муваффақиятли ҳимоя қилади ва шу йили фан номзоди дипломига эга бўлади.

Муаллиф шундай ёзади: “Қаерда танлаш имконияти бўлса, ўша ерда услуб тўғрисида гапириш мумкин. Бу жиҳатдан олганда бадий услуб бошқа функционал услублардан тубдан фарқ қилади. Унинг составида турли хил элементларнинг мақсадга мувофиқ қўлланилиши ўзига хос услубий бўёқдорликни юзага чиқаради. Атрибутив бирикмалар ҳам бадий услубнинг услубий белгиларининг юзага чиқишида катта роль ўйновчи стилистик аҳамиятли конструкциялардир.

Атрибутив бирикмалар – инсон, нарса, предмет, объект, ҳолат, ҳар хил психологик кечинмалар, тасаввурлар, табиат манзаралари, инсонга хос ва у билан боғлиқ бўлган тушунчаларнинг (ҳаммаси бизнингча микрообраз) тилдаги реаллашишидир. Унинг ҳоким бўлаги – от юқоридагиларнинг барчаси, умуман борлиқ ва унинг объектлари ҳақидаги тушунчалардир. Бу объектларни конкретлаштириш фақат атрибутив сўз бирикмалари воситасида амалга оширилади. Бу бирикмалар объектни турли томондан конкретлаштириши унинг ўзига хос белгиларини очиб бериши мумкин. Бу ҳолат атрибутив бирикмаларнинг бадий контекстда қанчалик аҳамиятга эга эканлигидан ва унинг услубий белгиларининг ифодаланишида қанчалик катта хизмати борлигидан дарак беради”[3: 40].

1993 йилда “Туркий тилларда сўз бирикмаси синтаксиси масалалари” номли монографиясини ҳаммуаллифликда нашр қилдирди. Бунда атрибутив сўз бирикмаларининг структур хусусиятлари ҳақида фикр юритади ва уларни қуйидаги гуруҳларга ажратади: сифат + от, олмош+от, сон+от, сифатдош+от, тақлид сўз+от. Кейинги бўлимида атрибутив сўз бирикмаларининг илмий услубдаги хусусиятлари тадқиқ қилинади. Семантик хусусиятларининг характериға қараб уларни 5та гуруҳга ажратади. Муаллиф тадқиқотларидан шундай хулоса чиқаради: агар бадий услубдаги тобе компонент вазифасида келадиган аслий сифатлар 43та семантик гуруҳга бирлашадиган бўлса, илмий услубда улар фақат 9та семантик гуруҳга бирлашадилар. Мана илмий ва бадий

услугнинг ўзига хос хусусиятлари шундан иборат. Ишнинг иккинчи бўлимида атрибутив сўз бирикмаларининг бадий услубдаги хусусиятлари таҳлил қилинган. Сифат+от типдаги ҳоким компоненти от билан ифодаланган атрибутив сўз бирикмаларининг 43 та семантик жиҳатдан фарқли хусусиятлари аниқлайди. Тобе компоненти нисбий сифатлар билан ифодаланган атрибутив бирикмаларнинг 33та семантик хусусиятини таҳлил қилади.

Кейинги бўлимида илмий ва бадий услубдаги атрибутив сўз бирикмаларининг статистик хусусиятларини аниқлайди. Ҳар бир услубдан 50 босма табоқ ҳажмида материални сидирғасига ўқиб чиқиб, ундан атрибутив сўз бирикмаларини ажратади. Илмий услубда 17364 та, бадий услубда эса 9662 та атрибутив сўз бирикмалари учрайди. Энг кўп учрайдигани сифат+от типдаги бўлиб, илмий услубда жами бирикмаларнинг 32.8 % ини, бадий услубда 26.8% ни ташкил қилади. Шунингдек, бу типдаги бирикмаларнинг тобе компоненти илмий услубда нисбий сифатлар билан ифодалангани 73.8% ни ташкил қилса, бадий услубда тобе компоненти аслий сифатлар билан ифодаланган атрибутив бирикмалар 72.8% ни ташкил қилишини исботлайди.

Э.Хўжаниёзов айрим шоирлар ижодида ишлатилган сўзларнинг лексик хусусиятларини ҳам тадқиқ қилди. Жумладан, “Бобур ғазаллари унинг қалб дафтари”, “Бобурнинг сўз маъноларига муносабати”, “Алишер Навоий ва ўзбек адабий тили”, “Ўзбек поэзиясидаги бир тенденция ҳақида” номли мақолалари шулар жумласидандир. Муаллиф шундай ёзади: “Шеърятда интеграция ва дифференциация турли шаклларда намоён бўлади. Дифференциацияда предметнинг ҳар хил белгилари кўрсатилиб, у бошқа предметлардан фарқланади ёки уни онгда тасаввур қилиш учун унинг бирорта белгиси асосий белгиси сифатида фаоллаштирилади. Унда тасвирийлик, образлилик, бўёқдорлик, картиналилик, ранг-баранглик каби белгилари кўрсатиб берилади. Бу хусусиятлар шеърятда қадимдан троплар билан амалга ошириб келинмоқда. Бунда предмет белгилари таҳлил қилинади, бу анализдир. Интеграцияда эса предмет бутунича қамраб олинади ва у ҳақда хулосаловчи фикр, инсоннинг предметга муносабати билдирилади” [5: 73-76].

Э.Хўжаниёзов ўзбек, рус, инглиз тилларида илмий ва ўқув адабиётлар, илмий ва илмий-оммабоп мақолалар, ўқув-услугий қўлланмалар ҳам яратди. У 2002 ва 2011 йилларда талабаларга “Ҳозирги ўзбек адабий тили” фанидан курс ишлари ёзиш бўйича тузилган қўлланмаларнинг ҳаммуаллифларидан биридир. Муаллиф бунда синтаксис бўлими бўйича тавсия қилинган мавзуларни, уларнинг тахминий режаларини ва тавсия қилинган адабиётларни тузди. Қўлланмалардан талабалар ҳозирги кунда ҳам фойдаланиб келмоқдалар. 1989 йилда “Ўзбек адабий тили илмий ва бадиий услубларининг услубий белгилари” қўлланмасини нашр эттирди. Домла 1994 йилда доцент унвонини олди.

У ўзбек тили ва адабиёти бакалаврият йўналишида “Тилшуносликка кириш”, “Қадимги туркий тил”, “Умумий тилшунослик”, “Эски ўзбек тили ва ёзуви”, “Ўзбек тили стилистикаси”, “Ҳозирги ўзбек адабий тили”, “Ўзбек тилининг назарий грамматикаси”, “Она тили ва адабиёт”, “Бадиий матннинг лисоний таҳлили” каби фанлардан, магистратура мутахассислиги талабаларига “Ўзбек тилининг илмий услуги”, “Лингвистик таълим ва ҳозирги лингвистик оқимлар” каби назарий ва амалий фанлардан дарс бериб, маърузалар мазмунини мунтазам равишда тилшунослик ва бошқа соҳалардаги ютуқларга таяниб янгилаб бордики, унинг муаллифлигида тузилган фан дастурларидан унумли фойдаланилмоқда. Ўзбек тили, Ўзбек тили ва адабиёти магистратура мутахассислиги очилгандан буён 20 га яқин талабаларнинг магистрлик диссертацияларига раҳбарлик қилди.

Эшбой Хўжаниязов 45 йиллик илмий фаолияти давомида тилшунослик, адабиётшуносликнинг долзарб масалаларига бағишланган 60 дан ортиқ мақолалар эълон қилган. Ўзбек ва қардош тилларнинг фонетик, лексик ва грамматик сатҳи, хусусан, лексикология, синтаксис ва услубият, мумтоз ва замонавий адабиётнинг йирик вакиллари ҳаёти ва ижоди таҳлили ва талқинига бағишланган асарлари билан туркий тилшунослик ривожига муносиб ҳисса қўшди. Республика ва хорижий конференцияларда, жумладан Туркия, Қозоғистон олий таълим ва илмий муассасалари билан ҳамкорликда ўтказилган анжуманлар ва семинарларда илмий маърузалар билан қатнашиб

Қорақалпоғистонда ўзбек тилшунослиги бўйича олиб борилаётган илмий тадқиқотлар билан таништириб, филология илмининг салоҳиятини намоён қилди. Долзарб мақолалари нуфузли журналлар ва тўпламларда чоп қилинди.

Э.Хўжаниязов таълим соҳасида баркамол авлодни вояга етказиш, ёшларни ватанпарварлик ва истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш борасида қилган фидокорона меҳнатлари ва соҳа ривожига қўшган муносиб ҳиссаси учун Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирлигининг, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг фахрий ёрлиқлари билан тақдирланди. 2009 йил 28 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими аълочиси, 2012 йил 31 сентябрда Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими аълочиси кўкрак нишони билан мукофотланган.

Домла турмуш ўртоғи Нормул опа билан 9 фарзандни дунёга келтириб, уларни ажойиб инсонлар қилиб тарбиялади. Катта ўғли Шодиёр Нукус шаҳар судмедэкспертиза муассасаси ҳайдовчиси, Феруз иссиқлик энергетикаси муҳандиси, Зафар миллий хавфсизлик тизимида ишлаб, ҳозирги кунда фахрий дам олишда, Ўктам ўтган йили тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилиб, дипломини олди, ҳозирги кунда институтнинг тарих факультетида дарс бермоқда. Кенжа ўғли Отабек ҳайдовчи-инструктор.

Қизлари Сурайё Нукус шаҳридаги 9-сонли ўрта мактабнинг рус тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Нодира Нукус шаҳридаги 1-сонли ўрта мактабда ўқитувчи, Марҳабо – уй бекаси, Хуршида Нукус шаҳридаги 37-сонли ўрта мактабда ўқитувчи бўлиб ишлайди. Келини Шахло педагогика фанлари номзоди, профессор.

Э.Хўжаниёзов 57 йиллик педагогик фаолияти давомида таълим соҳасида беминнат хизмат қилиб, ёшларимизни юксак инсоний фазилатли, маънавиятли шахслар қилиб тарбиялашга катта ҳисса қўшган бўлса, бугунги кунда унинг машаққатли касбини авлодлари давом эттирмоқда. Домланинг руҳлари шод, охиратлари обод бўлсин.



### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Хужаниязов Э. Коммуникативная функция определений в речевом потоке. // Некоторые вопросы языкознания. – Нукус, 1979. – С. 129-141.
2. Хўжаниёзов Э. Атрибутив бирикмаларнинг илмий ва бадий услубдаги семантик хусусиятларидан. // Филологик тадқиқотлар. – Нукус, 1982. – С. 55-61.
3. Хўжаниёзов Э. Бадий услубда атрибутив сўз бирикмалари. // Ўзбек филологиясидан тадқиқотлар. – Нукус, 1985. – С. 40-53.
4. Хужаниязов Э. Семантико-стилистические особенности атрибутивных словосочетаний в научном и художественном стилях речи. АКД, –Ташкент, 1984. –25 с.
5. Хўжаниёзов Э. Ўзбек поэзиясидаги бир тенденция ҳақида./2009 йил “Қишлоқни ривожлантириш ва ободонлаштириш йили”га бағишланган 2008 йил илмий-тадқиқот ишларининг натижалари бўйича профессор-ўқитувчилар ва аспирантларнинг илмий-назарий конференцияси материаллари. II бўлим. – Нукус, 2009. – С.73-76.

### STEREOTIPLAR – MILLAT XARAКTERI KO‘ZGUSI

**Kazakov Ilhom Rozmamatovich,  
filologiya fanlari nomzodi,  
Qoraqalpoq davlat universiteti dotsenti**

***Annotatsiya:** ushbu maqolada o‘zbek va qoraqalpoq xalqlari milliy-madaniyatiga mansub stereotiplar har qaysi millat xarakteri ifodachisi sifatida talqin qilingan. Har qanday xalq madaniyati ko‘zgusi maqomida ixtisoslashgan muayyan stereotip olam lisoniy manzarasiga oid tasavvurlarning kengayishida muhim ahamiyat kasb etishi isbotlangan.*

***Tayanch iboralar:** antropotsentrik tilshunoslik, lingvokulturologiya, stereotip, milliy-madaniyat, urf-odat, marosim, qadriyat, olam lisoniy manzarasi.*

Zamonaviy antropotsentrik tilshunoslikda lisoniy vositalarni shu tilda muloqot qiluvchi elat, xalq, millatning madaniy qadriyatlari bilan hamkorlikda o‘rganish yanada yuqori bosqichga ko‘tarildi. Ayniqsa, milliy-madaniy qadriyatlar tarkibida alohida o‘rinni ishg‘ol etuvchi barqaror tasavvurlar – stereotiplarni talqin etish olam